



БОЛАЛАРДА ТИРСАК БЎҒИМ ИЧИДАН СИНИШЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Ахтамов А., Ахтамов А.А., Мухсинов К.М., Юсупов Х.К.

Самарқанд давлат тиббиёт университети
Республика ихтисослаштирилган Травматология ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази
Самарқанд филиали

✓ Резюме

Тирсак бўғими ичидан синиш ва унинг оқибатлари 56 бемор болаларда жарроҳлик усулида даволаш натижалари таҳлил қилинган. Асосан стабил функционал остеосинтез усули қўлланилиб стационарда тўшак кунини қисқаришига ва 88,6% яхши натижаларга эришилган. Шунингдек синиб бурилиб силжишлар варусли деформация ривожланишига сабаб бўлишини асослаб беришган.

Калит сўзлар: Болалар, тирсак бўғими, синиш, варусли деформация, остеосинтез.

РЕЗУЛЬТАТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ДЕТЕЙ С ВНУТРИСУСТАВНЫМ ПЕРЕЛОМАМИ И ИХ ПОСЛЕДСТВИЙ

Ахтамов А., Ахтамов А.А., Мухсинов К.М., Юсупов Х.К.

Самаркандский государственный медицинский университет
Республиканский специализированный травматолого-ортопедический научно-практический
медицинский центр Самаркандский филиал

✓ Резюме

Проанализированы хирургического лечения внутрисуставных переломов локтевого сустава у 56 детей. Основном использованы методика стабильно функционального остеосинтеза, который позволило в 88,6% случаев получить хорошие результаты. Результаты авторами показана роль ротационных смещений в формирование варусной деформации.

Ключевые слова: локтевой сустав, дети, перелом, остеосинтез, варусная деформация.

RESULTS OF SURGICAL TREATMENT OF CHILDREN WITH INTRAARTICULAR FRACTURES AND THEIR CONSEQUENCES

Akhatamov A., Akhtamov A.A., Mukhsinov K.M., Yusupov H.K.

Samarkand State Medical University
Republican Specialized Traumatological and Orthopedic Scientific and Practical Medical Center
Samarkand Branch

✓ Resume

The surgical treatment of intra-articular fractures of the elbow joint in 56 children was analyzed. The technique of stable functional osteosynthesis was mainly used, which made it possible to obtain good results in 88.6% of cases. Results The authors show the role of rotational displacements in the formation of varus deformity.

Key words: elbow joint, children, fracture, osteosynthesis, varus deformity.

Долзарблиги

Болалар ва ўсмирлар травматизми ижтимоий – тиббий муаммоларнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса болалар ўртасида тирсак бўғими шикастланишларининг учраши бугунги кунда ҳам юқорилигича қолмоқда ва таянч-ҳаракат аъзолари шикастланишларининг 40-50% ини ташкил этмоқда [1-2-3-4].

Мазкур ҳолат болалар тирсак бўғимининг мукамал анатомик ва биомеханик тузилишига бўғлиқлиги ҳамда контрактура, оссификатлар ҳамда деформацияларнинг тез ривожланишига мойиллиги туфайли кузатилади.

Тирсак бўғимини ҳосил қилувчи суяк фрагментларини тўғрилашда кўплаб остеосинтез усуллари қўлланилади. Бугунги кунда оммавийлашган усуллардан бир йўла қўл билан тўғрилаб металлостеосинтез қўллаш кўпроқ қўлланилади [5,6]. Шунга қарамадан даволашдан кейинги даврда кузатиладиган асоратлар ва қоникарсиз натижалар улуши 13%-27% ни ташкил этмоқда [4]. Қоникарсиз натижаларнинг асосий сабаби асоратларнинг олдини олишга қаратилган ва асосланган даволаш алгоритмининг қўлланилмаслиги натижасида кузатилади.

Мақсад: Тирсак бўғими ичидан синишларда ва кузатиладиган асоратларни олдини олишга қаратилган даволаш усулларини қўллаш ва натижаларини таҳлил қилиш.

Материал ва текшириш усуллари

Тирсак бўғим ичидан синишлари билан уч ёшдан 18 ёшгача бўлган беморларда қўлланилган даволаш натижалари таҳлил қилинди. Даволашдан кейинги клиник кузатув муддати бир ярим йилдан икки ярим йилгача. Барча беморлар 2018-2019 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган Травматология ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг Болалар травматологияси бўлимида даволанган. Жами беморлар 56 та бўлиб уларнинг 29 таси (51,8%) да елка суяги дўмбоқлараро синишлари, 9 таси (16,0%) да ташқи дўмбоқлар синиши, 3 таси (5,3%) да ички дўмбоқлар синиши, 3 таси (5,3%) да ғалтак синиши, 12 таси (21,6%) да билак суяк бошчаси ва бўйинчасини синиши кузатилиб барча беморларга жарроҳлик даволаш усули қўлланилган.

Барча беморлар клиник ва рентгенологик текширувлардан сўнг клиник ташхис ўрнатилган.

Хирургик усулларда даволашда беморларнинг аксарият қисмида дистал дўмбоқлараро синишларда 29 беморга (51,8%) стабил функционал остеосинтез усули қўлланилган. Ташқи ва ички дўмбоқлар ва ғалтак синишлари билан 15 беморда клиникада ишлаб чиқилган Илизаров аппарати билан дистракцион-компрессион остеосинтез усули ва билак суягининг бошчаси ва бўйинчаси синган 12 беморга клиникада таклиф этилган трансартикуляр фиксация усули қўлланилган.

Елка суяги дўмбоқлараро синишларда хирургик даволашга кўрсатмалар: синган дистал бўлакнинг тирсак томонга бурчак остида силжиши, суяк бўлакларининг буралиб силжиши; дўмбоқларнинг синиб 3,0 ммдан кўп силжиши, билак суяк бошчаси ва бўйинчасининг синиб 40-45⁰ дан кўп бурчак остида силжиши.

Клиник мисол. Бемор Ж.Б. 12 ёш. Болалар травматология бўлимига онасининг шикоятига кўра оғриқ, безовталаниш, чап тирсак бўғимида шиш ва қийшайиш шикояти билан мурожаат қилган. Касаллик анамнези: онасини айтишига кўра бемор бола эрталаб уйида норвондан чап тирсагига таянган ҳолда йиқилган. Чап тирсак бўғимининг икки проекцияда қилинган рентген тасвирида чап елка суягининг дистал дўмбоқлараро синиб силжиши аниқланган.

Беморда умумий оғриқсизлантириш остида операция қилинган: елка суягининг дўмбоқлараро синиши қўл билан ёпиқ усулда репозиция қилиниб Илизаров аппаратида

дистракцион-компрессион

остеосинтез


қўлланилган.



А



Б



В



Г

Расм-1. А-беморда чап тирсак бўғимининг транскондильяр синиб силжиши олд ва ёнбош рентген тасвири. Б- компрессион-дистракцион Илизаров аппаратида стабил остеосинтездан кейинги ҳолат. В ва Г операциядан кейинги ҳолат.

Операциядан кейинги анатомик ва функционал натижаларни оммавийлашган баҳолаш усулларида фойдаланилди ва яхши, қониқарли ҳамда қониқарсиз баҳоларда тақсимланди.

Натижа ва таҳлиллар

Бўғим ичидан синишларда тирсак бўғимининг функционал ҳаракат ҳажмининг тикланиши даволаш усулларига боғлиқ. Жумладан стабил функционал остеосинтез қўлланилган беморларнинг аксарият қисмида 38 беморда (67,8%) яхши натижалар кузатилди. Қолган 19 беморнинг (32,2%) 12 таси (21,4%) да cubitus varus кузатилган.

Варусли деформация кузатилган барча беморлар дистракцион-компрессион Илизаров аппарати қўлланилган. Беморда синиқ соҳасида дистал пастки бўлакнинг бурчакли ва ичкарига бурилиб силжиш ҳолати тўлақонли тикланмаганлиги асорат ривожланишига сабаб бўлган. Натижада тирсак бўғимида нагрукда чарчоқ ва оғриқ пайдо бўлиб билак мушакларининг нисбатан атрофияси ривожланган. Шунингдек тирсак бўғимини ҳосил қилувчи суякларда деформация кўзга ташланади. Тирсак бўғим соҳасида қўлнинг физиологик ўқи 15-20⁰ дан кўплиги аниқланган.

Тирсак бўғимида деформация кузатилган беморларга елка суягининг метафиз қисми очилиб кесувчи сим ёрдамида кесиладиган бурчаксимон соҳа белгиланади. Бурғу ёрдамида кесма йўлидан тешикчалар очилиб фронтал текисликда учбурчакли – понасимон остеотомия қўлланилади. Аввалига кегайлар билан фиксация қилиниб сўнг 1,5 халқали Илизаров аппаратида маҳкамланади. Кегайлар тортилиб карама - қарши йўналишда компрессия берилади. Операциядан кейинги ярага чоклар қўйилади.

Даволаш натижалари.

Жаррохлик усулида даволанган 56 беморда даволаш натижалари транскондилар синишлар ҳамда тирсак бўғимининг варусли деформациясининг анатоми – функционал ҳолати тиклангач ўртача уч йил муддат ўтгач 88,6 % яхши натижаларга эришилган.

Яхши натижалар кузатилган барча беморларга қўл ўқи мўтадил, ҳаракат функцияси чекланмаган. Қолган 11,4% беморларда қўл ўқида 4 – 8⁰ атрофида варусли деформация кузатилиб функционал ҳаракат тўлиқ тикланган. Елка суягини дўмбоқлар устидан коррекцияли остеотомия қўлланилиб Илизаров аппарати ёрдамида стабил – функционал остеосинтез посттравматик варусли деформацияларни даволашда самарали усул бўлиб амалиётга тавсия этилади.

Хулосалар

- 1 Тирсак бўғими ичидан синишларда клиник текшириш, ташхислаш ва даволашда комплекс ёндашув яхши натижаларга эришиш имкониятини беради.
- 2 Тирсак бўғим ичидан синишларда стабил функционал остеосинтезнинг қўлланилиши беморнинг стационарда тўшак кунини ва ҳаётга лаёқатсизлик муддатини қискартириб яхши натижалар улушини кўпайишига имконият яратади.
- 3 Остеосинтез усуллари қўлланилган беморларга гипсли боғлам қўллаш зарурати бўлмайди. Синиқ соҳасида суякланиш даври реабилитация даври билан уйғунлашиб реабилитация муолажаларини эрта қўллашга ва қисқа муддатда беморларни ижтимоий ҳаётга лаёқатлилигини тиклашга имконият беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Миронов В.Н., Андреев Т.М., Попова М.М.. Актуальные вопросы детской и подростковой травматолого-ортопедической помощи в России // В кн: Материалы научно-практической конференции детских травматологов-ортопедов России с международным участием. «Актуальные проблемы детской травматологии и ортопедии» СПб., Екатеринбург, 2017, 29-30 с.
2. Мельцин И.И., Афуков И.В., Котлубоев Р.С., Садыков Н.Г., Тарасов Н.И.. Варусная деформация локтевого сустава у детей после не устраненных ротационных смещений при переломах дистального отдела плечевой кости. // Российский журнал детской хирургии. 2016; 20 (2), 87-92 с.
3. Мусаев Т.С., Машарипов Ф.А., Наврузов С.Ю. Стабильно-функциональный остеосинтез при внутрисуставных переломах локтевого сустава у детей. // Вестник экстренной медицины, 2013. №2, 16-20 с.
4. Прошенко Я.Н., Поздеева Н.А. Тактика лечения детей с внутрисуставными переломами дистального отдела плечевой кости. // Травматология и ортопедия России, 2012-4 (66). 82-86 с.
5. Папп А., Барча Ч., Гашпар А. Применение спицы для фиксации отломков при надмышечковых переломах плечевой кости у детей. // Ортопедия, Травматология, 1992; (9). 52-54 с.
6. Хужаназаров И.Э., Ходжанов Ф.А. Посттравматическая варусная деформация локтевого сустава у детей и подростков, и её лечение. // Травматология и ортопедия России. 2008; 1 (47), 12-14 с.

Қабул қилинган сана 09.05.2022